# ШАРТНОМА № 20

*Андижон шахри* *“06” декабрь 2022 йил*

Ўз низомга асосан иш юритувчи **«ELMONTAJSOZ» ОК** номидан харакат килувчи рахбар Н.Алиев бундан буён матнда «Бажарувчи» деб юритилади. **«Андижон давлат университет»** номидан Низом асосида харакат килувчи рахбар А.С.Юлдашев бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1.ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

2.1. “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг топшириғига кўра қуйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади.

| т/р | Махсулот ва иш хизматлар номи | Улчов бирлиги | Микдори | Бахоси | Умумий бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Andijon Davlat Universitetining barcha: 1) mo’rikon, dudburon, xavo so’ruvchi qurilmalarini mavsumiy ko'rikdan o'tkazish - 118 dona. 2) Markaziy qozonxonadagi ДКВР 6.5/13 rusumli isitish qozonlarini tozalash va soz xolatga keltirish - 2 dona. 3) markaziy qozonxonadagi isitish qozoni tutun yo’llari (brovka) ni qurumlardan tozalash - 30 metr. 4) barcha qozonxonalardagi KBa-150-300, KBa-200T, ATMC-150, AKC-150 markali isitish qozonlarini ichki qismlarini qurumlardan tozalash va soz xolatga keltirish. | Хизмат | 1 | 12900000 | 12900000 |
| | **Жами:** | | | | **12900000** |

Шартнома умумий суммаси 12900000 (Ўн икки миллион тўққиз юз минг) сўм ни ташкил этади.

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТАЛАРИ.

2.1 «Бажарувчи» нинг мажбуриятлари:

2.2 Хизматни (ишларини) лозим бўлган сифатда тайёрлаш.

2.3 Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.4 Хизматни (ишлар) қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб мазкур шартноманинг 2-бандида кўрсатилган бахо бўйича ҳақ тўлаш.

## 3. БУЮРТМАЧИ ХУҚУҚЛАРИ.

3.1 Ҳар қандай вақтда Бажарувчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириб бориш

3.2 Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда Шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг Буюртмачи Шатрномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олгунга қадар тайёрланган махсулотлар қисмига мутаносиб қисмини Ижро этувчига тўлаш.

## 4. ИШ (ХИЗМАТ)ЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида *«Буюртмачи»* бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан аванс тариқасида *«Бажарувчи»*нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи *«Бажарувчи»* томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактураларга асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

4.1 Шартномада кўрсатилган махсулотлар (ишлар) муддатлари кечиктирилган тақдирда «Бажарувчи» "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган мажбуриятлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва махсулотлар (ишлар) тайёрлаш муддати кечиктирилиши туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

4.2. Тайёрланган (ишлар) учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3 Тарафларнинг Мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меьёрларига мувофик қўлланилади.

## 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

5.1 Мазкур шатрномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2 Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, Тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг уларни Тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган хўжалик судида кўриб чиқишга топширилади.

## 6. Форс – мажор ҳолатлари.

6.1 Томонларга боғлик бўлмаган ҳолатлар "ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда " Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари", агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2 Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 7.Бошқа шартлар.

7.1 Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал қилинади.

7.2 Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3 Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган хамда хар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухрлари бўлган тақдирда хисобга олинади.

7.4 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи» да иккинчи нусхаси "Буюртмачи" да сақланади.

## 8.Шартнома муддати.

8.1 Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб бир хил хукукий кучга эга булди.

8.2 Шартнома тегишли ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириб "31" декабрь 2022 йилгача амал қилади.

## 9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

| "БАЖАРУВЧИ" | "БУЮРТМАЧИ" |
|---|---|
| "Элмонтажсоз" ОК | ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI |
| Андижон ш. Қизил юлдуз | O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI |
| Х/Р: 20208000109866118001 | H/R: 23402000300100001010 |
| ИНН: 301653928 | MFO:00014 STIR:201122919 |
| АТ КК Банк Андижон амал. бул. | MB BB X KM TOSHKENT SHAHAR |
| | ShH/V: 400510860034017094100079001 |
| | INN:202217655 OKONX:92110 |
| Рахбар ________ Н.Алиев | Рахбар ________ А.С.Юлдашев |